

---

## ТАДБИРКОР 10 ТА ИШЧИ ЎРНИ ЯРАТДИ

Баҳор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги «Фаргис» гилам ва пардалар марказининг Ёзёвондаги филиали ўз фаолиятини бошлади.

Туман ҳокими ҳамда маҳалла нуронийлари иштирокида ушбу марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбиркор ака-ука Достонбек ва Азаматжон Зокировлар ушбу марказда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энг сифатли маҳсулотларни Ёзёвон тумани аҳолисига етказиб беришини айтиб ўтди.

Бундан ташқари ушбу марказда бугунги кунда 10 та янги ишчи ўрни ҳам яратилди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-05-18 16:18:07